


## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА



XXI асрга келиб журналистиканинг турлари, тармоқлари йўналишлари, кўлами мислсиз даражада ривожланиб кетди. Ҳар бир соҳани ёритишнинг ўзига хос талаблари пайдо бўлди. Болалар журналистикаси ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Чунки бола мавзусини қандай ёритиш бугунги миллий журналистикамиз учун долзарб масала. Айниқса, буни болаларга мўлжалланган нашрлару, телекўрсатув ва эшиттиришларга татбиқ этишнинг аллақачон даври келган. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳақиқий маънода болаларнинг сўз айтиш минбарига айланишини даврнинг ўзи тақазо этмоқда. Қолаверса, ҳар томонлама ривожланган, ўз мустақил фикрига эга, илғор ва салоҳиятли авлодни тарбиялаш бугунги давлат сиёсатининг энг устивор вазифаларидан ҳисобланади.

Тан олиш керакки, шу пайтгача ўзбек журналистикасида болалар мавзусини ёритишга анъанавий журналистиканинг умумий талаблари нуқтаи назаридан ёндашилганлиги боис, уни катталар журналистикасидан алоҳида ажратиб бўлмасди. Ваҳоланки, болалар журналистикасининг аудиторияси болалар эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уни ёритишга нисбатан ҳам талаблар ўзгаради. Бу эса журналистлар зиммасига жиддий масъулият юклайди, соҳага оид махсус назарий билимлар, амалий маслаҳат ва тавсияларга эҳтиёжни пайдо қилади. Ушбу эҳтиёжларни ўрганиб чиққан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллар университети халқаро журналистика факультети доцентлари Наргис Қосимова ва Назира Тошпўлатовалар томонидан **“Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари”** деб номланган ўқув қўлланма ёзилиб, 2014 йилнинг апрел ойида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида амалга оширилган “Болалар масалаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиши ва журналист этикаси” лойиҳаси доирасида ташкил этилган махсус курс ва факультатив машғулотларнинг натижаси ўлароқ яратилди.

Ўқув қўлланманинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у талабалар ва амалиётчи журналистларда шу пайтгача болалар ҳақидаги содда тасаввурларини ўзгартиради. Болалар ҳақида журналистик материал тайёрлашга бўлган масъулиятни пайдо қилади ва шакллантиради.

Таъкидлаш жоизки, филология фанлари номзодлари Наргис Қосимова ҳамда Назира Тошпўлатовалар томонидан ёзилган “Ўзбекистон ОАВда болалар

мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари” номли ўқув қўлланмаси айнан бола ҳуқуқлари ва журналистикада унга бўлган муносабатига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Ўқув қўлланмада бола ҳуқуқларининг мазмун-моҳияти, бола ҳуқуқлари юзасидан халқаро ва миллий қонунчиликда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни, болалар мавзусининг ОАВда ёритилиши масалалари ва унга қўйиладиган замонавий талаблар билан боғлиқ назарий билимлар ўз ифодасини топган. Бола ҳуқуқлари мавзусини ОАВда ёритилиши ҳақида гап кетар экан, бола ҳуқуқлари бўйича халқаро тажрибага таяниш ва унинг илғор жиҳатларини миллий журналистикага татбиқ этиш муҳим, албатта. Шу маънода, ўқув қўлланмада болалар мавзусини ёритишда миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг бир-бирига мувофиқлиги, жаҳон ва миллий журналистика амалиётида болалар мавзусининг ёритилишидаги ўзига хосликлар, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилган. Шу билан бирга, бу борада Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамиятига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

Болалар мавзусини ёритиш ҳуқуқий асослар билан бирга журналист маҳоратига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки ОАВда болалар мавзусининг ёритилишида журналистларнинг профессионал маҳорати, касбий ахлоқ меъёрларига амал қилиш ва ушбу мавзуга журналистик ёндашувнинг ўзига хослигига жиддий эътибор бериш талаб этилади. Ўқув қўлланмада ижодкор шахси, болалар мавзусини ёритишда касбий одоб меъёрлари ва унга қўйиладиган ўзига хос талабларга алоҳида урғу берилиб, бу билан боғлиқ масалаларнинг назарий асослари амалий тажрибалардан келиб чиқиб таҳлил қилинган.

Наргис Қосимова ва Назира Тошпўлатовалар ўқув қўлланмада бола ҳуқуқлари қонунчилиги юзасидан келтирган ҳужжатлари аниқ, далиллари ишонарли, мулоҳазалари асосли бўлиб, талабаларнинг билимларини бойитишга ва тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилади. Тўғри, бола ҳуқуқларини ОАВда ёритишни ҳар томонлама қамраб олиш мушкул. Шунинг учун у айрим камчилик ва нуқсонлардан ҳам ҳоли эмас. Масалан, бола ҳуқуқлари билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларга кўп мурожаат этиш, ҳар бир масаланинг ҳуқуқий асосини кўрсатиш талабани бироз зериктириши мумкин. Қолаверса бу фактларнинг ҳаммасини эслаб қолиш қийин. Шунга қарамай ушбу ўқув қўлланма миллий журналистикада яратилган дастлабки ўқув материали эканлигини ҳисобга олсак, бу камчиликлар кейинги яратилажак ўқув адабиётларида қайтарилмаслигига умид уйғотади.

Ўқув қўлланма “ОАВда гуманитар ҳуқуқ ва касбий ахлоқий меъёрлар” ҳамда “Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари” сингари ихтисослик

фанларига киритилган мавзуларига мантиқан боғлиқ бўлиб, уларни тўлдиради, мазкур фанлар учун кўшимча ўқув материали вазифасини ўтайди.

Муаллифлар филология фанлари номзодлари Наргис Қосимова ва Назира Тошпўлатовалар журналистика таълимининг бакалаврият босқичи талабаларига мўлжалланган ушбу кўлланма билан зиммаларига олган вазифани муваффақиятли амалга оширишган. Биз муаллифларни ушбу ютуқ билан табриклаймиз ва уларда миллий ва халқаро журналистиканинг долзарб мавзуларига бағишланган янгидан янги асарларни кутиб қоламиз.

**Бумоҳира СУЛАЙМАНОВА**